




ТОШКЕНТ

Газета 1996 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

ОҚШОНИ

№ 125 (9.015)

1997 йил

3 ноябрь, душанба

Сотувда эркин нархда

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

«Ўзэкспомарказ»да илк бор ташкил этилган яна бир йирик кўргазма — «Курилиш индустрияси, маиший техника ва уй-рўзгор анжомлари» биринчи халқаро кўргазмаси катта муваффақият билан якунланди.



Кўргазмалар

ҚУРИЛИШ САНОАТИ ЮТУҚЛАРИ КҮРИГИ



Шуни таъкидлаб ўтиш кераки, мазкур кўргазма яқин ва узоқ хориж мамлакатларида катта қизиқиш уйғотганлиги сабабли унда Германия, Голландия, Жанубий Корея, Швейцария, Туркия, Россия, Қозғистон каби 11 давлатнинг 34 та фирма ва компаниялари иштирок этишди.

— Кўргазмани ташкил қилишдан мақсад улкан қурилиш майдонига айланган Тошкент шаҳрини, шу билан бирга бутун республикани жаҳон талаблари даражасидаги қурилиш маҳсулотлари, техникаси ҳамда технологиялари билан таъминлашдир, — деди кўргазманинг бош ташкилотчиларидан бири Германиянинг «Фейертрейд» компаниясининг лойиҳалар бўйича менежери Хейке Слотта хоним. — Унинг асосида эса ушбу йўналишдаги ҳар томонлама ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш ниятлари ётади. Бизнинг компаниямиз томонидан ўтказилаётган кўргазмалар ўзбекистонлик тадбиркорларнинг ҳамкорлик алоқалари, умуман Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожига ўзининг самарасини бери, деб ўйлаймиз. Яъни, улар натижасида ўзбекистонлик ишбилармонлар билан бир нечта қўша корхоналар тузилди, республикадаги саноат ускуналари янгиланди. Бинобарин, ишлаб чиқариш жараёни ҳам замонавийлашди.

Дарҳақиқат мазкур кўргазмада бутун жаҳон қурилиш саноати ютуқлари ўз аксини топди, десак тўғри бўлади.

Янги аср бўсағасида республикамизда бино ва иншоотлар, тарихий-меъморий обидалар, автомобиль йўллари, аэропортлар жаҳон андозлари асосида қайта таъмирланмоқда, замонавий саноат корхоналари, меҳмонхоналар бунёд этилмоқда. Мазкур кўргазма давомида Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга интилаётган жаҳоннинг турли мамлакатлари ишбилармон доиралари билан ўрнатилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари, имзоланган кўплаб битим ва шартномалар республикамизга юқори сифатли қурилиш материаллари, янги гоаялар ва технологиялар кириб келишига замин яратиб берибди. Демак, Ватанимиз пойтахти келгусида Шарқ машъали сифатида янада чирой очиб бораверад.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: «Курилиш индустрияси, маиший техника ва уй-рўзгор анжомлари» халқаро кўргазмасида.

Рашид Галиев олган суратлар.

Шанба кuni Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионати-га саралаш ўйналаридидаги сўнгги ўрашуви бўлиб ўтди. Футболчиларимиз сафарда Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси билан беллашдилар.

Араб футболчилари билан ўз майдонимиздаги биринчи ўрашувага қадар терма жамоа-

миз ҳисобида гуруҳда 2-ўринни эгаллаш, сўнгги курашнинг кейинги босқичда давом эттириш имконияти бор эди. Бунинг

Хуллас, жамоамизнинг сўнгги ўрашуви ҳақида нима дейиш мумкин? У шунчаки ўртоқлик ўрашувиға ўхшаши, футбол-

ОБОДОНЛАШТИРИШ, КҲКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА САНИТАР ТОЗАЛАШ КУЗГИ ИККИ ОЙЛИК ЎТКАЗИШ ТҲҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳар ҳудудини янада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар ҳолатини яхшилаш мақсадида 1997 йил 27 октябрдан то 27 декабргача Тошкент шаҳрида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тозалаш бўйича кузги икки ойлик ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу қарорга мувофиқ туман ҳокимликлари, шаҳар корхона ва ташкилотлар учун кузги экиш топшириқлар, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тозалаш кузги икки ойлигиға тайёргарлик қу-

риш ва ўтказиш бўйича шаҳар штабнинг таркиби тасдиқланди.

Шаҳар туманлари ҳокимлари ҳар бир туманда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар-тозалаш икки ойлигиға тайёргарлик қуриш ва ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, унинг амалға оширилишини назорат этиш учун туман ҳайъатлари тузиш вазифаси топширилди. Шунингдек, ҳазон ва бошқа чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш учун қўшимча транспорт ва механизмлар жалб этилишини таъминлаш, мутасадди хизматлар билан келишилган ҳолда ҳар бир туманда ҳазонларни туллаш ва компост қилиш жойларини белгилаш, икки ойлик давомида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар то-

залаш ишларига туманлар ҳудудидидаги ташкилот ва корхоналарнинг меҳнат жамоалари, ўрта ва олий ўқув юрталарининг ўқувчи ва талабалари, жойлардаги аҳолини кенг жалб қилиш, кузги ҳазонрезги пайтида ҳазон ва бошқа чиқиндиларни экиш қатъиян ман этиш вазифаси топширилди.

Туман ҳокимликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бўлим ва бош бошқармалари, шунингдек шаҳар ҳудудидида жойлашган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига икки ойлик мобайнида ҳашарлар ташкил этиш йўли билан ўзларига бириктирилган ҳудуд ва объектларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитар тозалаш ишларини амалға ошириш вазифаси юклатилди.

Воқеа арафасида

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БҲЙИЧА ҲАМКОРЛИК

Шу йилнинг 4—6 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли У. Орипов номидаги электроника институтида «Эмиссион электроника: янги усуллар ва технологиялар» мавзусида XXIII халқаро анжуман бўлиб ўтади.

Физикларнинг бу халқаро анжуманида Италия, Австрия, АҚШ, Хитой, Швейцария, Германия, Польша, Россия, Украина, Белоруссия ва Қозғистон давлатларининг жаҳонга машҳур йирик физик олимлари иштирок этадилар. Бу халқаро анжуман электроника институтининг 30 йиллик юбилеи арафасида бўлади.

Анжумандаги қуриладиган масалалар асосан эмиссион электроника соҳасида янги усуллар ва технологияларни чет эллик физиклар билан ҳамкорликда яратиш ва амалда жорий қилиш, энг асосийси замонавий янги технологиялар асосида республикамизда халқ ҳўжалигини ривожлантиришдан иборатдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, электроника институти амалий физика технологияси хитроларининг лицензияларини Япония, Швейцариянинг жаҳонга машҳур бирлашмалари, концернлари сотиб олдилар, чунки институт жаҳонда алоҳида ўрин тутди.

Илҳом ШЕРМУХАМЕДОВ.

«ЖАМҒАРМА БАНК» УЙЛАРИ

Чилонзор тумани «Қайтарма» даҳасидаги уйлари кўрсангиз кўзингиз қувонади. Бу ерда йил охиригача 25 та уй қуриб битказиб фойдаланишга топширилиши керак. Шундан қарийб 10 тасига «Ўзйўлжам-гармабанк» аъзо бўлганлар қўшиб кела бошлашди.

Бунёдкорлик ишида кўплаб қурилиш бошқармалари қатори 1-ўйсозлик комбинатининг бир қанча қурилиш жамоалари иштирок этишмоқда. Шу комбинатга қарашли 1-пардозлаш бошқарма-

си пардозчилари ишларни жадаллик билан олиб бормоқда. — Бошқармада 250 дан зиёд ишчи меҳнат қилади, — дейди иш юритувчи Рустам Умаров. — Ташкилотимиздаги қурувчилар нафақат пардозчи, балки улар тикловчи, янги терувилик ҳам қилишмоқда. Шу босис айрим уйлarning бош пудратчиси бўлиб ҳам иш юрлятимиз. Мана шу даҳадаги 40 квартирани уйдаги бунёдкорлик ишларини охиригача узимиз амалға оширдик. Ҳозирги кунда яна битта уйни тиклаш ишларини бошлашга ҳозирланяпмиз.

Гулбаҳор МҲМИНОВА.



Танловлар

ИМОМАЛ-БУХОРИЙ АВЛОДЛАРИ УЧУН МУКОФОТ

Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темурий халқаро хайрия жамғармаси ва халқаро Кувейт хайрия жамғармаси Ўзбекистон бўлими биргаликда республика илмий жамоатчилиги ҳамда оммавий ахборот вакиллари билан ўрашув ўтказди. Унда халқаро Кувейт жамғармасининг «Мадааний мероснинг давомийлиги лойиҳаси»га асосан Имом ал-Бухорий авлодлари учун Абдулазиз Саут ал-Баптин томонидан таъсис этилган аънаваный мукофот тўғрисида савол-жавоблар бўлди. Бу нуфузли халқаро мукофотнинг 1997-1998 йилда берилиш шартлари ҳамда асосий йўналишлари хусусида Халқаро Кувейт жамғармаси бош директори Дуайж Халаф ал-Шаммадий жаноблари батафсил сўзлаб берди.

Ушбу мукофот келгуси йили нишонланадиган буюк ҳамюртимиз Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик юбилеи кунларида ғолибларға топширилади.

Тоҳир ЙҲЛЧИЕВ.

Шу кунларда барча турдаги матбуот нашрлари қатори «Тошкент оқшони» газетасига ҳам обуна кизгин давом этмоқда. Биз «Оқшом»нинг доимий ўқувчиларидан бир нечтаси билан суҳбатлашиб, газетани ёритилаётган мавзулар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришларини сўрадик.

• Хусниддин МУРОД-ХҲЖАЕВ, «Лола атир-ўпа» хиссасдорлик жамиятининг раиси:

Корхонамизда 300 дан ортиқ киши меҳнат қилса,

уларнинг қўчилиги «Оқшом»ни севиб ўқийди. Шунинг учун ҳам утган йили 50 нафар ишчи-хизматчи газетани обуна бўлган эди. Бу йил ҳам пойтахтимиздаги турли қўша корхоналарда янгиликлар муаммоларини ўз вақтида ёритувчи газетани эълон қилиш истагиди билан таълимчи. Улар дам олиш кунлари саҳифаларини мириқиб ўқиб ҳамада иқтисодиётимиз раванқига муносиб улуш қўшаётган илғорларимиз таърибасидан ўрганишни истайдилар. Уйлайманки, «Оқшом» саҳифаларида келгуси йилда ана шундай мақолалар кенг ёритилади.

• Қудрат РУСТАМОВ, Сарикўл маҳалласи оқсоқли:

Маҳалламиз аҳли билан «Оқшом» саҳифаларидаги одоб-ахлоқ мавзусидаги ҳар бир мақола мўҳома қилимиз. Айниқса, газета саҳифаларидаги ибратли ҳикоятлар, фойдали маслаҳатлар хотин-қизларимиз ва ёшларимизга ибрат бўлмоқда. Мен фарзандларим билан биргаликда 1998 йил учун ҳам «Оқшом»га обуна бўлдим. Истагим газета ҳар доим ўқимишли материаллар бериб бурса, тақдирим эса маҳалла ёшлари, хотин-қизлари ҳаёти кенгроқ ёритилса, ибрат бўларли маҳалла оқсоқолларининг қизиқишлари уюштирилса жуда соз бўларди.

• Маъмура ОДИЛОВА, «Қизил тўнт» очик турдаги хиссасдорлик жамияти касба уюшмаси ҳамда хотин-қизлар кенгаши раиси:

Корхонамизда асосан аёллар меҳнат қилгани учунми, «Оқшом»да аёлларга бағишланган саҳифани ҳар ойда мунтазам ўқиб боришни истаймиз. Саҳифада келса онахонларимиз ўз фикрлари билан қатнашмиса жуда соз бўларди. Шунингдек, «Оқшом», «Турмуш чорраҳаларида», «Диллашу» руқнлари остида мақолалар ўқилиши хоҳиялади.

• «Оқшом»ни ишдан уйга ҳориб қайтганида дилингда маҳкам бўладиган газета деб биламан. Газета ўзининг муштарийларини ўқимишли ва қизиқарли материаллар билан ҳушуд этаверади деб ўйлайман.

Шарифа ИЛЕСОВА эъиб олди.

Азиз муштарийларга эслатиб ўтмоқчимиз — бизнинг газетани обуна нархлари қуйидагича белгиланган:

Абонент қутига	Ҳай манзилига
• 1 ойга 104 сўм	156 сўм
• 3 ойга 312 сўм	468 сўм
• 6 ойга 624 сўм	936 сўм
• 1 йилга 1248 сўм	1872 сўм

«Оқшом»га Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидида чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.

Нашир индекси — 209.

БУГУНГИ КҲН НАҒАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов 420 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйиб, пахта тайёрлаш режасини бажарган Қашқадарё вилояти меҳнаткашларини самимий қутлади.

• Президент Исом Каримов 1 ноябрь кuni Америка Қўшма Штатлари давлат қотибининг МДХ мамлакатлари бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Стивен Сестанович бошчилигидаги делегация аъзолари шунингдек Ташки ишлар ва Мудофаа вазирликларида, Ташки иқтисодий алоқалар миллий банкида ҳам бўлдилар.

• Венгрия Республикасининг Президенти Арпад Гёнд мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 31 октябр кuni Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

• Вазирлар Маҳкамасида республика халқ ҳўжалиги тармоқларини 1997—1998 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш масалалари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган мажлисида Коммунал хизмат қўрсатиш, Энергетика ва электрлаштириш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирларининг, «Қўмир» акционерлик бирлашмаси бош директори, шунингдек бир қанча вилоят ва шаҳарлар раҳбар ҳодимларининг куз-қиш даврига тайёргарлик юзасидан ҳисоботлари тинглади ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

• Тошкентда «Нафутис» Ўзбекистон — Франция техника маркази иш бошлади.

• Андижон вилояти ҳокимлигида бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ҳамда андижонлик жаҳон биринчилиги иштирокчилари ва улар мураббийларини шарофлаш маросими бўлиб ўтди. Жаҳон чемпиониға янги ўч хонали квартира, устозларига «Тик» автомашиналари, жаҳон биринчилигида иштирок этган вилоят боксчиларига турли қимматбаҳо совғалар ҳадя этилди.

ЖАҲОНДА

• Марказий Осиё давлатлари бўйлаб расмий ташрифини давом эттираётган Венгрия Республикасининг Президенти Арпад Гёнд кеча Алматига келди. У Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан ўтказадиган музокараларда ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳомаа этади. Ташриф якунида бир қатор давлатлараро ҳужжатлар имзоланиши қутляпти.

• 1—2 ноябрь кунлари Красноярскда Россия Президенти Борис Ёльцин билан Япония Бош вазир Рютаро Хасимото ўртасида норасмий ўрашув бўлиб ўтди. 2000 йилгача бу икки давлат ўртасида тинчлик ва дўстлик тўғрисида шартнома имзоланишиға келишилганлиги бу ўрашувнинг асосий якуни бўлди.

• Украина билан Россия мудофаа вазирлари Қора денгиз флотини узил-кесил бўлиб олиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзоладилар.

• Кеча Европада Евросўзлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилотнинг қамсонли миллатлар ишлари бўйича олий комиссари Украинаға келди. У бу ерда ўз вақтида қўчириб юборилган қамсонли миллатлар вакиллари Кримға қайтариб келиш ва жойлаштириш масалаларини ўргангани.

• Бугун Крит оролида Болқон давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги ўрашуви бошлади. Унда асосан ўзаро ҳамкорлик масалалари қўриб чиқилиши мўлжалланмоқда.

• 46 ёшли Мэри Маккерис хоним Ирландиянинг янги Президенти этиб сайланди. 11 ноябрда лавозимини эгаллайдиган президент 7 йил давомида бу давлатга раҳбарлик қилади.

• Толибончилар ҳукумати ўз мамлакатларини Афғонистон Исом Амирикларидеб аташни мўлжалламоқдалар. Бу давлатга мусулмонлар диний раҳнамоси Мўхаммад Умарнинг раҳбарлик қилиши кўзда тутилмоқда. Айни вақтда толибончилар толибларға қарши коалиция раҳбарларидан бири генерал Рашид Дўстум билан музокаралар бошлашга тайёрлигини ҳам билдирдилар. Бунга Рашид Дўстумнинг ўз вақтида қўлга олинган 200 нафар толибончи ҳарбий асирларини озод этиши сабаб бўлди.

• 10 ноябрда Палангада Болтикбўйи давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги ўрашуви янги ўтказилиши эълон қилинди. Унда Латвия, Литва ва Эстония Президентлари Россиянинг Болтикбўйидаги бу ўч давлати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан янги қафолатларини муҳомаа этишни мўлжалламоқдалар.

• Бугун Вашингтонда АҚШ воситачилигида Фаластин — Исроил музокаралари бошланди. Бу Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш юзасидан боши берк қўчаға кириб қолган музокаралар яна бошланганлиги аломатидир.

• Ўтган ҳафтада жаҳондаги фонд биржаларида рўй берган танглик оқибатида АҚШнинг машҳур миллиардери Жорж Сорос 2 миллиард доллардан кўпроқ зарар қўрди. Ушбу сармоя агаси бутун дунёда Сорос жамғармаси асосчиси сифатида машҳурдир.

• Кеча Португалияға қарашли Азор оролларида рўй берган қўчи довул оқибатида 18 киши ҳалок бўлганлиги, қўллаб кишилар бедарак йўқолганлиги маълум қилинди. Шу муносабат билан Азор оролларида мотам эълон қилинди.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РЕЖАДАГИ ПРОФИЛАКТИК ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН 3 НОЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА 53/56 — АТЛАРГА ҚАРАШЛИ СПИТАМЕН, ФИГУРНАЯ, САЛОМАТИН, Б. ХИЛОЛИ, 2-АНХОР БҲЙИ, 1-ВИБОРГ, ҚИСМАН КАРМЕЛЮК КҲЧАСИ, КАРМЕЛЮК ДАҲАСИ, ВОЛГОГРАД КҲЧАСИНИНГ БОШЛАНИШИ, ЮСУФ ХОС ХОЖИБ, РАКАТБОШИ, ИСЛОМБЕКОВ, ВОХИДОВ, АСҚАРОВ, ЗАБОФ, ШЕДОВ, ЮНУС РАҲАБИЙ, ЧҚАЛОВ, ХҲЖАНД, АРТИЛЛЕРИЯ, РАШИДОВ КҲЧАЛАРИДА ЯШОВЧИ АБОНЕНТЛАРДА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БҲЛМАЙДИ.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИНИНГ 20 ЙИЛИГИГА

Тошкент метросининг ишга тушиши ҳам-шаҳарларимиз учун ҳақиқий байрамга айланиб кетган эди. Мана шунга ҳам 20 йил ўтибди. Бу ўтган давр мобайнида метро ҳаёtimизга сингиб кетди. Бугунги кунда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиб, уларнинг узогини яқин қилаётган метрополитен жамоаси ўзининг 20 йиллик шонли йўлини нишонламоқда. Биз Тошкент метрополитени бошлиғи Мирқомил Одилов билан байрам арафасида амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Метрополитеннинг шу йиллар мобайнида босиб ўтган йўли, муваффақият омиллари хусусида гапириб берсангиз.

— Метромиз 20 йиллик йўлни муваффақият билан босиб ўтиб, йўловчиларнинг ишончини қозонди. Бизнинг асосий мақсадимиз пойтахтимиз ва шаҳримиз меҳмонларини ўз вақтида манзилларига элтишда уларга энг қулай бўлган транспорт хизматини кўрсатишдир. Бизнинг жамоамиз ахли бу эзгу мақсад йўлида асло ҳормай меҳнат қилишмоқда.

— Янги вагонлар келтирилиши ҳам кўзда тутилганми? Умуман метрополитенга эҳтиёт қисмларни қимлар етказиб беради?

— Янги вагонлар келтирилиши ҳам кўзда тутилганми? Умуман метрополитенга эҳтиёт қисмларни қимлар етказиб беради?

ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ
МИННАТДОР ЧЕХРАЛАРИ

Метромиз ишга тушган биринчи кунларда 12,2 километр узунлигидаги 9 та бекатни бирлаштирган бўлиб, бир кунда 120 минг йўловчини манзилларига элтиш бўлса, бугунги кунда бу рақам ярим миллионни ташкил этади. Вагонлар сони эса 57 тадан 192 тага ортди. Айни кунларда 23 бекатни бирлаштирган «Чилонзор» ва «Ўзбекистон» йўлида 3270 нафар ишчи-хизматчимиз одамлар хизматида, уларга қулайлик яратиш йўлида кечаю кундуз ишлармоқдалар. Шунингдек, метрополитенчиларимизнинг ўз мақсад ва вазифаларини аниқ билишлари, масъулиятни чуқур ҳис қилишлари ишларимиз олға силжиганига асосий омил бўлган.

— Тошкент метроси жаҳондаги метролар орасида ўзига хос қандай хусусият билан ажралиб туради?

— Яқинда пойтахтимизга ташриф буюрган Берлин шаҳрининг транспорт бўйича бургомистри бекатларимизни томоша қилди ва «Сизлар, бу ерларни меҳмон қилиш учун тайёрладиларми?» деб сўради. Бизнинг ажабланганимизни кўриб, «Жаҳоннинг жуда кўп қисмида бекатлари метроларида бўлганман, лекин бундай тозаланиш фақат сизларнинг метроингизда учратдим», деди. Бу албатта бизни қувонтирди. Бекат бошлиқлари ва фардошларимизнинг бу борадаги сазой-харақатидан алоҳида таъкидлашни истардим.

Шунингдек, метрода йўловчилар учун жуда қулайликлар яратилган бўлиб, буларни мен ҳали собиқ иттифокнинг бирорта метро-

— Республикамиз қорхона ва ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз бу бизга ҳам, давлатга ҳам фойда келтирди. Чунки ушимизнинг маҳсулотлари икки баравар арзонга тушди. Ҳозирги кунда республикамизда метрополитен учун 100 дан ошди турдаги эҳтиёт қисмлар етказиб берилмоқда. «Космос», «Технолог», «Академ ускуна» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Фотон» ва «Герматик» заводларида бундай эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган назорат мосламалари «Мустақиллик» майдони бекати-га ўрнатилди. Илгари биз уни Харьковдан олардик. «Юнусобод» йўлининг барча бекатларига ана шундай мосламалар ўрнатилиши режалаштирилган.

— Байрам арасида жамоадошларингизга қандай тилаклар билдирасиз?

— Интизом, изланиш, ҳамжихатлик бор жойда иш доимо олға силжиди. Метрочиларимиз орасидаги ана шу оқибат, ўз ишга масъулият, йўловчилар олдидаги жавобгарлик ҳисси ҳеч қачон йўқолмасин. Метромизга озодаллик ва ораталик ҳақида кўр бўлсин. Тезйор вагонларимизни бошқараётган хайдовчиларимиз, уларнинг иштини назорат қилувчи мураббийларимизнинг қўллари асло тоқмасин. Ўз хизматида ҳар дам шай туралиги уларнинг миннатдор чехраларидан куч-қувват олайлик.

Суҳбатдош
Шарифа ИЛҲОВА.

— Тошкент метросининг ишга тушиши менинг ҳаётимда ҳам катта байрам бўлди, десам муболаға бўлмас керак. Чунки ўша кун менга масъулиятли вазифа юклати-

ишлаган эдим. 1976 йилда метрополитенга ишга тақлиф этилган, Москвада бир неча ой 24 хайдовчи малака оширдик.

Ниҳоят биринчи поезд йўлга чиқди. Уни «Собир

ЭП ХИЗМАТИДАН
ТОПМАЙЛИК

Рашид ХҲҲАЕВ,
Тошкент метросида илк поездларни
бошқарган хайдовчи

либ, юсак ишонч билдирилгани ёдимда. «Чилонзор» йўли бўйлаб қатновчи илк поездлардан бирини бошқариш ўша кун менинг зиммамга топширилди.

Тўғриси айтсам, поезд бошқарувчи машинистларнинг барчаси ўша кун ўзгача ҳаяжонда эдилар. Ҳамма барвақт ишга келган, барча ўз ишига шўғил кетган эди. Мен бундан илгари темир йўлда машинист бўлиб

Раҳимов» бекатидан ҳозирги «Амир Темури» бекатига-ча устоз, тажрибали хайдовчи Лутфулла Исмаилов ва ўз ёрдамчилари билан биргаликда бошқарилар. Кетма-кет бошқа поездлар ҳам йўлга тушди. Биз бошқараётган поездларни ҳар бир бекатда йўловчилар шоду хуррамлик билан кутиб олардик, карсақлар ва гулдусталар билан олқишлардик. Биз хайдовчилар ўша кун қандайдир ўзгача

гайрат, ўзгача кайфият билан ишладик, йўловчиларнинг юзларида ҳам мамнунилик ифодаси ҳукмрон эди.

Мана ўша унутилмас, ҳаяжонли кунни 20 йилдан сўнг эслар эканман, вужудимни яна ўзгача секин камраб олгандай. Кўз олдимдан ўша кунлари ва ҳозирда ҳам метро поездини моҳирлик билан бошқарган ҳамкасбларим ўтди. Рустам Қодиров, Қудрат Мансуров, Валерий Петров сингари машинистлар айна кунларда ҳам йўловчилар манзилини яқин қилиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқдалар. Биз метро ишчи-хизматчилари пойтахтимизда ўзига хос мавқега эга бўлган транспорт воситаси — ер ости қасри поездларида одамларимиз оғирини енгил қилаётганимиздан фахрланамиз. Ўшбу байрам кунларида барча метрочиларни самимий қутлаб, уларга ҳамиша эл хизматида толмасликларини тилайман.

Барча метрополитенчилар қатори мен ҳам 1977 йилнинг 7 ноябрь тоғини жуда яхши хотирлайман. Ўша кун ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Шу кунни Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент метроси ишга тушди. «Чилонзор» бекатига биринчи поезд кириб келганида, бу ерга йўлчиларнинг юзларида қувонч, гурур балки, биринчи хайдовчиларнинг қўчқорлари гулларга тўлиб кетди. Йўловчилар ўз миннатдорчиликларини нафақат гуллар, балки дил сўзлари билан ҳам изҳор эдилар. Улар бекатда махсус стол устига қўйилган эсдалик дафтарига ўз дил сўзларини, қувончларини битдилар. Пойтахтимиз йўловчиларига бундай қулай ва


ҲАЯЖОНЛИ
КҮН
ЁДИМДА

тезйор транспорт воситаси йўлини бунёд этишда, «тошкентлик метро» соҳасига собиқ иттифок республикаларининг энг моҳир ва тажрибали руҳвчилари яқиндан ёрдам бердилар. Жуда қисқа фурсат ичида «Чилонзор» йўлининг тўққиз бекатини фойдаланишга топширилди.

Мен ҳам ўша кезлари метрополитенда ишлаганимдан фахрланаман. Менинг вазифам метрода ённинг қилишига қарши барча техника ускуналарини яроқли қилиб сошлаш, сув босимларини текшириш, ишчилар билан ённинг олдиди олиш ҳақида суҳбат уюштиришдан иборат эди. Бу вазифани сидқидилдан бажаришга интилардим. 15 йилга яқин шу жамоада меҳнат қилдим.

Мана ҳозир кесалик гаштини кўриш, ишчилар билан ённинг олдиди олиш ҳақида суҳбат уюштиришдан иборат эди. Бу вазифани сидқидилдан бажаришга интилардим. 15 йилга яқин шу жамоада меҳнат қилдим.

Вали ШУКУРОВ,
метронинг собиқ ўт
қирғиш инструктори.



Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент метросида «Чилонзор» ва «Ўзбекистон» йўналишлари бўйлаб поездларнинг мунтазам қатнови йўлга қўйилган. Бу икки йўналишдаги 23 та бекатнинг ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ёруғ, шином ва озода бекатларга қадам қўйган ҳар бир йўловчининг дили яйрайди. Бекатларга ўрнатилган биллур қандиллардан таралаётган нур йўловчилар кўнглига ҳам ёруғлик ва илқилик олиб кириб, ўз манзилларига вақтида етиб боришга тилак билдираётгандек чараклайди.

СУРАТЛАРДА: метронинг «Ўзбекистон» йўналишидаги (юқорида) «Беруний» ва «Тинчлик» бекатларининг кўриниши. Рустам Шарипов олган суратлар.



Биз метрочилар шаҳар транспортининг энг тезйор ва қулай тури — метро поездди эканлигиндан, йўловчиларни манзилларига вақтида етказиш йўлида меҳнат қилаёт-

фақиятининг сири эса ана шу интизом, тинимсиз меҳнат, шу билан бирга йўловчиларга ҳурмат-этиборнинг самарасидир десам муболаға бўлмайди. Метро поездлари доимо ўз жадвалига қатъий амал қилган ҳолда ишлайди. Жадвалдан чиқиб кетish ҳоллари бўлмайди. Шунингдек бизда озодалликка эътибор жуда кучли. Йўловчиларни ҳам шунга ўргатамиз.

— Шогирдларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Шу билан бирга ҳозирги ёшларга касб-хунар эгаллаш бораида қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

— Шогирдларим жуда кўп. Уларнинг ҳаммаси ўз касбини сидқидилдан ардоқлайди. Мана улардан бири — Тоҳир Нейматов ҳозирги кунда йўриқчи-мураббий. — Ўзи ёшларга устозлик қилмоқда. Аҳмадjon Сироқов, Рустам Сибга-тулин сингари метро хайдовчилари тайёрлайдиган курс очганимиз. Курсда ёшларга хайдовчилик сирасорларини ўргатамиз. Мен ҳам 12 та гуруҳда бўлажак хайдовчиларга дарс берганман. Бу ерда касб ўрганган ёшларга метро қондалари пухта ўргатилди.

Ёшлар ўз касбини севиши, ишга масъулиятни ҳис этиши даркор. Чунки ҳар бир касбининг ўзига яраша машаққатлари бўлади. Бизнинг ишимизда эса хайдовчи ниҳоятда синчков бўлиши керак. Шу бонсдан ўз ишини пухта билган киши ҳеч қачон иккиланмайди. Депомизда хизмат қилганидан 80 нафар хайдовчининг ўзаро бирдам-лигини кўриб қувонсан киши.

Ёшларга эса бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор бўлишни, ишлаб чарчамаслиқни, шу билан бирга, албатта, бирор касб, хунар эгаси бўлишни тилайман. Чунки мустақил республи-

камизнинг келажаги уларнинг қўлида.

— Тошкент метросининг ишга тушган 20 йили мобайнида метрода юз берган ўзгаришлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Жуда тўғри айтдингиз. Шу кунларда метрочиларимиз ўз байрамларини нишонламоқдалар. 1977 йил ноябрда метронинг биринчи навбатда поездлар қатнови йўлга қўйилган бўлса, ҳозирги пайтда 23 бекатдан иборат ер ости қасрида йўловчилар узогини бўлмақда. Бугунги кунда эса «Юнусобод» йўналиши бўйича қурилиш ишлари жадал кетмоқда. Бу йиллар мобайнида эски вагонлар янги, замонавийлари билан алмаштирилди. Бу ҳам йўловчиларимиз учун яратилаётган қулайликлардан биридир. Метрочиларнинг сафи кенгайди, билим ва касб савияси ошди. Жуда кўп қисмда хайдовчилик касбига меҳр қўйди. Маълуманки, тежас мақсадида ўз республикамизда метро хизматчилари тайёрлайдиган билим масканлари очилди. Ўйлайманки, пойтахт метрочилари элга хизмат йўлида асло толмайдилар.

Ватанимизнинг муқофоти Шавкат Усмоновнинг 60 ёшга тулиши, Тошкент метросининг 20 йиллиги арафасида берилганлиги шодликка шодлик қўшди. Бинобарин икки фарзанднинг отаси ҳамда икки набаирнинг севили буваси ҳаётда ҳам ҳамиша уларга ўрнак ва маслаҳатчи. Ота ҳар доим фарзандлари қамолатини давом, ўз ишлари билан уларга ибрат!

Суҳбатни
Шаҳодат БАҲРОМОВА
ёзди олди.
СУРАТДА: Шавкат Усмонов,
Рашид Галиев олган сурат.

ЖОННИНГ РОҲАТИ

Эрталаб соат 7.30. Метронинг гавжум бекатларидан «Пахтакор» бекатидамиз. Ишга, ўқишга ва ҳуллас, ўз манзилига овланаётганларнинг кети узилмайди. Уларнинг бир нечасини тўхтатиб, «Сиз метро хизмати ҳақида нима дея оласиз?» деган савол билан мурожаат қилдик.

● Хайрулла ЖУМАНОВ, ишчи: Тўғриси айтсам метро хизматида жуда мамнунман. Баъзан оиламиздаги шахримиздаги автобус, троллейбус хизматида ноллиб, менга: «Сизга, маза-да, ишга метрода бориб-келасиз, вақтингиз ҳам тежаласиз, дейишди. Албатта, Марказий Осиёда ягона бўлган метронинг бизнинг шаҳримизда намунали-хизмат кўрсатаётганидан қувонмай, фахрланмай бўладими? Вақтингизни тежашда, манзилингизга кечикмай етиб олишингизда энг қулай транспорт воситаси — бу метро.

● Гулчехра ИСАЕВА, талаба: метро хизматида деярли ҳар кун фойдаланаман. Менга энг ёқадигани бу ерда асабнинг ҳеч бўзилмайди, ҳамма жой озода, ораста. Бекатларда узок кутиб чарчамасиз ҳам. Метро поездлари доимо ўз вақтида келади. Бу ерда йўловчи билан хайдовчи ўртасида тортишув ҳам йўқ: шу, ҳуллас, ҳамма эшиклар ўз вақтида очилади.

● Азиза ЗИЁДОВА, хизматчи: икки фарзандимни ҳар кун эрталаб шу бекатдан ўқишга кузатаман. Ҳеч хавотирланмайман. Мана икки йилдирки, улар ҳар доим ўз вақтида дарсларига етиб бориб, вақтида қайтиб келадилар. Бу бекатдаги назоратчи ва фардошлар ишга қўйилган қолман. 5—10 дақиқада қанча одам бу ерга кириб чиқади. Лекин тозалик ва тартиб ҳақида бу ерда ҳукмрон. Одамни нимага ўргатсанг, шунга ўрганади, деганларни тўғри бўлса керак. Қаранг,

● Бахтиёр РЎЗИЕВ, шахримиз меҳмони, Фаргона шаҳридан: ҳар сафар Тошкентга келсам, албатта метрога тушаман. Унда юриш жуда мароқли-да. Айниқса, кечкурунлари ҳам бир маромда юриши, кўз очиб юмгунча манзилингизга элтиши менга жуда ёқадди. Бекат хизматчилари ҳам сизга ҳар доим ўз ёрдамларини аяшмайди.

Уша кунни ким билан суҳбатлашмайлик, барча Тошкент метроси ҳақида фақат илқ сўзларни айтди. Илқимиз ана шу илқлик ҳар доим метрочиларимиз кайфиятини кутариб, бундан ҳам самарали ишлашга ундасин.

Шарофат ИЛҲОМОВА
ёзди олди.

Тошкент метрополитени ишга тушганининг 20 йиллигини ер ости йўллари ишчи-хизматчилари, қурувчилар меҳнатда ўзига хос ютуқлар билан қўтиб олиш иштиқидларидир.

Метрополитеннинг икки — «Чилонзор» ва «Ўзбекистон» йўналиши бўйича поездлар мунтазам қатнов шахримиз аҳолисининг манзилини яқин қилаётган ва унинг хизматида талаб ортиб бораётган бир пайтда «Юнусобод» йўлининг биринчи навбати қурилишида ҳам ишлар қизғин паллага кирган. Бу йўналиши бунёд этишда тажрибали бунёдкорлар меҳнат қилишмоқда. Бизнинг бугунги хикоямиз «Тошметрокурувчи» қурилиш бирлашмасининг энг йирик бўлимида-ридан бири — 2-курилиш-

йўли қурилишини тугалладилар. Бу ерда 23 метр чуқурликда шахта қазилди. Меҳнат жараёни давом этаётган жойга қўтарма қранчалар ва ўқимиз материаллар туширилиб, тепага эса қазиб олинган тупроқлар чиқариб ташланади. Бу мураккаб жараёни бўлим қранчилари тез ва соз бажаришга одатланишган.

— Қурилиш-тиклаш бошқармаларида бажариладиган барча ер ости йўллари билини бугунги меҳнатчиларимизнинг амалга ошириди, — дейди бўлим бошлиғи. — Лаҳм

БИРИ БИРИДАН
КЎРКАМ

тиклаш бошқармаси бунёдкорлари, уларнинг сермашқат ишлари ҳақида.

